



Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№18
31 июль

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
4 - ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
18-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ- 4**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
18-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART- 4**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 18-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июль 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ
ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ**

1. Hamdamova Shaxina Istam qizi

AXBOROT TRANSFFORMATSİYALASHGAN JAMIYATGA YOSHLAR O‘ZBEK TILI
DA METOD VA USULLARNING AHAMIYATLI JIHATLARI 7

2. Шермухамедова Азада Убайдуллаевна

ИЖТИМОЙЛАШУВИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА СОЦИОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ 9



СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

АХБОРОТ TRANSFFORMATSIYALASHGAN JAMIYATGA YOSHLAR O‘ZBEK TILI DA METOD VA USULLARNING AHAMIYATLI JIHLTLARI

Xamdamova Shaxina Istam qizi
Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti
«O‘zbek tili va adabiyoti» yo‘nalishi talabasi
+998935102218

Annotatsiya: maqolada “O‘zbek tili da metod va usullarning ahamiyatli jihatlari” mavzusiga oid tushunchalar va fikrlar tahlil qilinib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: Interfaol, innovatsiya, pedagogika, modul, tanqid.

Yangi pedagogik texnologiyalarga bag‘ishlangan adabiyotlar va maqolalarda bir qator o‘qitish usullari haqida so‘z yuritilmoqda. Bu usullar innovatsion metodlar sifatida taqdim etilmoqda. Shulardan ona tili darslarida qo‘llanishi mumkin bo‘lgan ayrim metodlar xususida so‘z yuritilmoqda.

1. Modulli ta‘lim texnologiyasi. Bu o‘quvchilarda darslik, ilmiy-ommabop va qo‘shimcha adabiyotlar bilan mustaqil ishlash ko‘nikmalari, ijodiy va mustaqil fikrlashni rivojlantirish maqsadida o‘tkaziladi. Modulli ta‘lim texnologiyasining o‘ziga xos jihati o‘rganilayotgan mavzu bo‘yicha o‘quvchilarning mustaqil va ijodiy ishlariga imkon beradigan modulli dastur tuzishidir.

2. Hamkorlikda o‘qitish texnologiyasi, uning asosiy g‘oyasi o‘quv topshiriqlarini va faqat birgalikda bajarish emas, balki o‘quvchilarni hamkorlikda o‘qishga o‘rgatadi, ular o‘rtasida hamkorlik, o‘zaro yordam va fikr almashinishi vujudga keltirish.

3. Muammoli ta‘lim texnologiyasi. Muammoli vaziyat yaratish, savollar qo‘yish, masalalar va topshiriqlarni taklif qilish, muammoli vaziyatni yechishga qaratilgan muhokamani uyushtirish va xulosalar to‘g‘riligini tasdiqlashdir.

4. Interfaol metod texnologiyasi. O‘quvchilarning ijodkorligiga tayanish, darsda erkin bahs-munozara sharoitini tug‘dirish. Buning uchun sinf kichik guruhlariga bo‘linadi va dars davomida shu guruhlar bilan ishlanadi.

5. Didaktik o‘yinlar texnologiyasi. Dars jarayonida turli didaktik o‘yinlarni qo‘llash va ular orqali darsda jonlanish, faol harakat va qiziqish uyg‘otish. 6. Sinov darslari. Yangi pedagogik texnologiya asosida dars o‘tish shakllari va usullarini o‘zgartirib, ularni xilma-xil qilib, o‘qituvchi o‘quvchini o‘quv jarayonining faol qatnashchisiga aylantiradi. O‘qituvchi va o‘quvchining hamkorlikdagi faoliyati bu darsni interfaol darsga aylantiradi.

Aqliy hujum bosqichi. Bu usul darsning boshlanishida yoki istalgan joyida qo‘llanishi mumkin bo‘lib, u muammoni o‘z g‘oyalari, fikrlarini aytish yo‘li bilan hal qilishdan iborat. Masalan, o‘qituvchi sinf taxtasiga til so‘zini yozadi va o‘quvchilardan “ Ushbu so‘z sizlarda qanday tassavvur hosil qildi yoki shu so‘zni yana qaday talqin qilsa bo‘ladi?” – deb so‘raydi. O‘qituvchi o‘quvchilar tomonidan bildirilgan fikrlarni sinf taxtasiga quyidagi tartibda yozib borishi mumkin: O‘qituvchilarning fikrlari noto‘g‘ri deb topilmasligi lozim aksincha, o‘qituvchi iloji boricha o‘quvchilarga yordam berishi noto‘g‘ri fikr aytib qo‘yishdan cho‘chimaslikka da‘vat qilishi, oxirida esa bildirilgan fikrlarning har birini o‘qituvchi tahlil qilib berishi kerak. Ushbu jarayonda o‘quvchilar bu so‘z haqida ko‘p ma‘lumotga ega bo‘ladilar, ya‘ni bunda muammo o‘quvchilarga aqliy hujum yo‘li bilan berilib, ularning fikri bilan ochiladi va natijada mavzuni tushunish osonroq kechadi. Anglash bosqichi. Bu bosqichda aqliy hujum bosqichidagi mavzuga oid bahs-munozara natijasida yuzaga kelgan xulosaviy fikrlar eshilib, o‘qituvchi tomonidan yangi fikrlar bilan to‘ldiriladi. Savol-javoblar orqali mavzu mustahkamlanadi. Fikrlash bosqichi. Bu bosqichda o‘quvchilarga mavzu yuzasidan o‘zlashtirgan bilim va tushunchalarni qisqa jummalarda yozma ravishda bayon qilish topshirig‘i beriladi.

Har bir guruhdan bittadan vakil (taqdimotchi) sinf taxtasi oldiga chiqib, guruh bajargan vazifani



butun sinf oldida taqdim qiladi. Har bir taqdimot baholanib boriladi. Hamma guruhlar ishlarini yakunlagandan so'ng o'qituvchi ularga izoh beradi, xatolari bo'lsa to'g'irlaydi va xulosalaydi, guruhlar ishiga umumiy baho beradi. Interfaol dars turlaridan har bir o'qituvchi unumli foydalanib, o'quv ta'lim faoliyatining kuchayishiga katta ta'sir o'tkazishi, o'quvchilarning bilimlarni mustaqil egallash qobiliyatlarini, tanqidiy fikrlash malakalarini o'stirishga va har tomonlama rivojlangan shaxs sifatida kamol topishlariga ko'makdosh bo'lishlari

Ta'limda interfaol metodlarni qo'llashdan asosiy maqsad – o'qituvchining o'z pedagogik hazinasini qayta ko'rib chiqishiga yordamlashish, yanada yuqri sifatli metodik yo'nalishga intilishini hosil qilish, kelgusi o'ylar, izlanishlar, tajribalarga undashdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ruzaykin G. Kuda idyot pokoleniye Z?. «Argumenti i fakti. 2012.№4, str 4.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida” qarori, 2019 yil 1 fevral.
3. Чудакова М.О. “Литература в школе: читаем или проходим”.-М.: 2009 стр 22; Пеннак Д. «Как роман».Издательство «Самокат»,- М.: 2005. 4. G'afurov I. Nega adabiyotsiz yashab bo'lmaydi. “Til va adabiyot ta'limi” jurnali, 2017 yil 10-soni, 13-bet.



ИЖТИМОЙЛАШУВИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА СОЦИОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ

*Шермухамедова Азада Убайдуллаевна
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш мухандислари институти
“Гуманитар фанлар” кафедраси ўқитувчиси
Телефон: +998(97)463 28 28
ozoda29.05@mail.ru*

Аннотация: мақолада замонавий ёшларнинг социал муҳит шароитида технологик трансформациялашган жамиятга ёшлар ижтимоийлашуви оқибатида вужудга келган субъектив вазиятларга боғлиқ таҳдидлар шунингдек ахборотлашган жамиятда оммавий коммуникацияларнинг маълум бир босқичдан иккинчисига ўтишда анъанавий турдаги ОАВнинг ўзгартирилиши масалалари кўтарилган.

Калит сўзлар: феномен, виртуал, коммуникация, психолог, оммавий, мозаика, мулоқот, ижтимоийлашув, иерархик, постмодернистик, тармок, трансформация, ахборот, глобал.

Замонавий ёшларнинг ҳаёт фаолияти ва турмуш тарзига ахборот технологик воситаларнинг кириб келишини социологик жиҳатдан ўрганиш зарурати асослаб берилган; Сўнгги йилларда ахборотлашган жамият назариётчилари, мажданиятшунос, психолог ва педагоглар ўртасида Интернет ҳамда компьютер тамаддуни ўзи билан ёшларнинг ҳаёт фаолияти ва турмуш тарзига олиб келаётган янгидан янги имкониятлар (ва ҳавф-хатарлар) борасидаги баҳслар авж олмоқда. Бир томондан, замонавий ахборот технологиялари инсоният қаршисида янги уфқларни очмоқда: «Интернет» ёрдамида сайёранинг турли чеккаларига «реал вақт режимида» «кўчиб ўтиш», керакли ахборотни олиш, кўплаб одамлар билан танишиш, диплом билан тасдиқланган таълим олиш мумкин. Бошқа томондан, компьютерга психологик қарамлик пайдо бўлаётгани қайд этилган, монитор экрани қаршисида чорак суткадан кўпроқ вақтини ўтказган болалар руҳиятида ўзгаришлар содир бўлмоқда, ахборот майдони сохта ахборот билан «ифлосланмоқда», онтологик асосдан махрум феноменлар бўлмиш виртуал шахслар, виртуат муҳит, виртуал жамоалар пайдо бўлмоқда. Бироқ мазкур вазият виртуал махсулотларга онтологик асосга эга бўлган ҳақиқий тузилмалар сифатида муносабатда бўлишга ҳалақит бермайди

Коммуникацияларнинг тинимсиз кенгайиб бориши шароитида матнларнинг мазмуний алоқалари кесишади, қайта шарҳланишга учрайди, янги матнлар дунёга келади. Матнларнинг кўшилиб кетиши туфайли алоҳида олинган матнни алоҳида ўқиш мумкин бўлмай қолади: уни тушуниш учун бошқа матнларни жалб этиш, кўриб чиқиш керак бўлади. Шундай қилиб, ягона тартибга солувчи марказ йўқ бўлган шароитда жамиятнинг умумий матни тармок кўринишини касб этади. Моль сўзлари билан айтганда, замонавий маданият жадвали иерархияни эмас, мозаикани ташкил этади. Мозаикали маданият коммуникациянинг янги шакллари, тинимсиз парчаланиб, сўнг яна қайта йиғиладиган матн билан мулоқотнинг янги усуллари талаб этади. Матн гиперматнга айланади. Бироқ гиперматнни техник воситалар яратмайди: улар фақат ижтимоийлик қаърида туғилажак нарса учун техник имконият яратади, холос. Мулоқотга киришган субъектларнинг индивидуализмига британиялик социолог З.Бауман ҳам ўзининг «Индивидуаллашган жамият» (М., 2002) китобида эътибор қаратади. Ўсиб бораётган индивидуаллашув, унинг наздида, ижтимоийликнинг эскирган шакллари инкор этилиши, универсализмнинг - ғайриихтиёрий, стихияли ва тартибсиз жараёнларни ифодаловчи глобаллашув билан алмашилиши, инсон ҳаётининг мавҳумлашиб бориши, бутун кадрятлар тизимининг қайта кўриб чиқилишидир. Индивидуаллашган жамият алоҳида конкрет одамларнинг фаолияти натижасида эмас, деперсоналлашган куч ва тенденцияларнинг ҳаракатлари натижасида шаклланади.

Кейинги тенденция дунёқараш бўлинмас бутунлигининг бузилиши, билимнинг қўшимча, кўплик асосидаги Тузилмаларининг пайдо бўлишини ифода этади. «Таркок», «номарказлашган» Тузилмалар пайдо бўлади, чунки билим парчалари бир-бири билан нафақат мантиқий, балки бир сатҳдан бошқа сатҳга “кўчиш” натижасида ассоциатив асосда ҳам ўзаро алоқага киришади. Ахборотлар қатъий иерархик схемани шакллантирмайди, балки мозаикани ташкил этади. Мозаик Тузилмаларда тартибланиш ва тарти-



блашмаган зоналар бир вақтда мавжуд бўлади. Бундай «қатламлашиш»нинг энг адекват ифодаланиш шакли сифатида гиперматн сингари мослашувчан тармоқ Тузилмалар майдонга чиқади. Гиперматн компьютер маконида кўп маънолилиқнинг, ортиқ маънолилиқнинг ишлашини таъминлайди. Мулоқот кўпчилиқнинг кўпчилиқ билан фрагментар диалог шароитида кечади. Агар аввал бошдан компьютер ахборотнинг улкан массивини тартибга солиш учун хизмат қилган ва бу билан рационал мулоқотни таъминлаган бўлса, ҳозирги кунда у симетриясизлиқни ва мулоқот ноаниқлигини кучайтириш воситаси сифатида майдонга чиқмоқда. Шу асосда замонавий коммуникациянинг постмодернистик характери ғояси шаклланади. Постмодернизм ғояларининг натижаси ва асосий ифодаланиш шакли – гиперматн, шунга қарамай, одамда барқарорлик туйғусини уйғотади, чунки билим массивининг ўзи мустаҳкам ва ривожланаётган бўлиб туюлади. Маданий матнлар коллаж ёки монтаж принципи бўйича шакллантирилади. Бироқ инсон маданиятнинг бир бутун яхлитлигини тиклашга, уни тахт қилишга интилади. Тақсимланган Тузилмаларнинг тартибсиз тўпида чизиксиз матн маконда тарқалиб кетади, аммо истеъмолчининг талаби бўйича у вақтнинг алоҳида дақиқалари бўйича «тўпланади» ва унинг яхлит идрок этилиши матннинг ўзини ҳам яхлит шаклга келтиради. Гиперматн, ўз томонидан, мослашувчан айланиш ва алоқалар ёрдамида “тарқалиб кетаётган” маъноларни мустаҳкамланишига имконият туғдиради. Шунингдек, гиперматн ғояси компьютер даврининг принципиал янги кашфиёти эмас. Масалан, дедективни ҳам гиперматн модели деб ҳисоблаш мумкин, чунки у кўплаб турли усулларда ўқилиши мумкин. Компьютерлар пайдо бўлгунга қадар шоир ва ёзувчилар чексиз, чегарасиз ва мутлақ очиқ матн ҳақида орзу қилишган: уни исталган парчасидан бошлаб ва сюжет чизикларининг турли вариантларида чексиз кўп маротаба ўқиш мумкин бўларди.

Мулоқот жараёнида одам шахсига перманент таъсир ўтказилади. Ҳозирги замон жамиятида шахснинг ривожланиши бир томонлама ва қайтмайдиган жараён эмас. Содир бўлаётган ижтимоий жараёнларнинг мазмунан бир хил эмаслиги, қадриятлар ўзагининг трансформацияси социум билан “очиқ” диалог вазияти учун шароит яратмоқда. Бундай шароитда эса турли манбалардан олинаётган, аммо мазмунан мувофиқлаштирилмайдиган ахборот шаклланаётган шахс учун тобора ишончли бўлиб боради ва инсоннинг дастлабки қоиди ва мотивларини босиб кетади (уларнинг ўрнини ўзи билан қоплай бошлайди). Аммо ижтимоий ўзгаришларнинг айнан ортга бурилмаслиги уларнинг барқарорлигини таъминловчи шарт сифатида майдонга чиқади. Ортга бурилмаслик принципининг бузилиши шахс ижтимоий хусусиятларидаги алоҳида позитив ўзгаришларнинг беқарорлиги, тасодифийлигида, шунингдек, унинг хатти-ҳаракатларида аввалдан билиб бўлмайдиган, спонтан, негатив ҳолатларнинг пайдо бўлишида намоён бўлади.

Шахс ривожланишини ўрганишнинг энг муҳим методологик усулларида бири - мулоқот жараёнида, нафақат бевосита, балки замонавий ахборот технологиялари воситасида ҳам, шаклландирган образлар, тасаввурлар, йўл-йўриқлар, йўналтирувчи қадриятлар тизимидан иборат бу ривожланишнинг детерминистик омилини ҳисобга олишдир. Бунда ўзаро таъсир актлари турли сатҳларда тизимлашади: энг қуйи сатҳ – жисмоний сатҳ, унда алоқанинг эфир каналлари ҳамда истеъмолчи ва провайдер моделарининг ўзаро алоқалари протоколлари билан боғлиқ масалаларнинг муҳокамаси бўлиб ўтади; кейингиси ўз ичига глобал компьютер тармоғидаги бир узелларнинг бошқалари билан боғлаш учун зарур бўлган барча протоколларни узатиш сатҳи; булардан юқорида сатҳда коммуникатив ўзаро алоқаларни ташкил этиш учун зарур бўлган контент ва дастурий артефактларни тақдим этиш шакллари танлаш амалга оширилади. Бироқ бу сатҳлар аслида ижтимоий коммуникациянинг фақат ташкилий-техник таъминотини амалга оширадигани, бу коммуникация жараёни охир-оқибат шахс томонидан интериоризациялаштирилган тартиб ва қоидалар билан белгиланади. Бошқа томондан, истеъмолчиларнинг он-лайндаги хатти-ҳаракатларини тартибга солиш алгоритмлари нафақат умумэтироф этилган ахлоқ талаблари асосида, балки дастурий маҳсулотни ишлаб чиқарувчиларнинг талқинлари, афзал кўрган нарсалари, йўриқлари, мақсадлари асосида ишлаб чиқарилади. Бу ҳолат техник топшириқларни ижтимоий лойиҳалаш масаласини долзарблаштиради.

Глобаллашув шароити, интернет, телекоммуникация соҳаларидаги мисли кўрилмаган ўзгаришларнинг кундалиқ ҳаётга татбиқ этилиши замонавий ёшларнинг дунёқараши ва



ҳаётга бўлган муносабатини ҳам ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Чунки бундай тезкор дунё билан ҳамнафас яшаш учун бугунги кишилардан кўп нарсани билиш ва ижтимоий фаоллик талаб этилмоқда. Уни ёшларда фақат дахлдорлик ҳисси орқали шакллантириш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Кастельс М. Информационная эпоха. Экономика, общество и культура. М.: Изд-во ГУ- ВШЭ, 2000.
2. Кастельс М. Кастельс М. Материалы для исследовательской теории сетевого общества. М., 2001.
3. Кастельс М. Становление общества сетевых структур / Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология. Под ред. В.И. Иноземцева, 1999. С. 494-505.
4. Кирвель Ч.С. Глобализирующийся мир: возможности и альтернативы // Проблемы теоретической социологии / Под ред. А.О.Бороноева. СПб., 2003.
5. Алексеева И.Ю. Возникновение идеологии информационного общества. <<http://www.iis.ru/events/19981130/alexeeva.ru.html>>
6. Аронсон Э., Уилсон Т., Эйкерт Р. Социальная психология: Психологические законы поведения человека в социуме. – СПб.: Прайм-Еврознак, 2002. – 556 с. Белинская Е.П. К проблеме групповой динамики сетевого сообщества. <<http://www.isn.ru/info/seminar-doc/Din.doc>>
7. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. М., 1999.
8. Биккулов А.С. Интернет как средство массовой коммуникации: Диссертация канд. социол. наук. М., 2003.
9. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. М., 1997.
10. Штомпка П. Социология социальных изменений. М., 1996.
11. Щюц А. О множественных реальностях // Избранное: Мир, светящийся смыслом. М.: РОСПЭН. 2004.
12. Эйдман И. Прорыв в будущее. Социология интернет-революции. М., 2008.
13. Эриксен Т.Х. Тирания момента. Время в эпоху информации. М., 2009.
14. Этничность и экономика. Сб. статей по материалам международного семинара (Санкт- Петербург, 9-12 сентября 1999) / Под ред. О. Бредниковой, В. Воронкова, Е. Чикадзе. СПб.: ЦНСИ, 2000. Труды. Вып. 8.
15. Antonelli Cristiano (ed.) The Economics of Information Networks. Amsterdam: North-Holland, 1992.
16. Barnes J. Class and Committees in a Norwegian Island Parish. Human Relations, 7. 1954.
17. Bell D. The Social Framework of Information Society. // The Computer Age: A Twenty Year View. L., 1981.

TADQIQOT.UZ
ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ

(4-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.07.2020

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000